

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” КАФЕДРАСИ

«БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ»

КУРС ИШИ

Бажарди: талаба Эрназаров С

Рахбар: и.ф.н., проф. Р.Ходжаев

«__»_____2013 й.

ТОШКЕНТ – 2013

Р Е Ж А

КИРИШ

- 1 Бизнес жараёнларини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари
- 2 Бизнес жараёнлари бошқарувининг ташкилий тузилмаси ва элементлари
- 3 Бизнес фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодийни модернизациялаш ва глобаллашув йўлидан бораётган жараёнда янгича фаолият олиб бориш ва янгича фикрлаш услубларини талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати билан эришилаётган ижобий натижалардан бири – бу мамлакатимизда бизнес фаолиятини шакллантиришдан иборатдир. Мамлакатнинг ривожини асосан бизнес фаолияти ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш натижасида амалга оширилади.

Давлатни бизнес фаолияти ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши асосан молиявий, маъмурий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан амалга оширилиб келинмоқда. Шу сабабли ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодийида тутиб келаётган салмоқли улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси таъкидлаганларидек: “2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

Ушбу кўрсаткичларни мамнуният билан қайд этар эканмиз, бу вазифа жорий ва келгуси йилларда ҳам ижтимоий-иқтисодий дастурларимизнинг марказида бўлиши лозимлигини барчамиз яхши англаймиз, албатта.”

Шу жиҳатдан ҳам, корхонада бизнес жараёнларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга қаратилган ушбу мавзу бугунги кунда айни долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

1. Бизнес жараёнларини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги, бизнес фаолиятлари тўғрисидаги, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор меъёрий ҳуқуқийларда кўп укладлилиқ асослари белгиланиб, улар мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини қарор топтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимояланиши, хусусий мулкни янада ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилгандир.

Товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб бизнес фаолиятларни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари мазкур меъёрий ҳуқуқийларда кенг ёритиб берилган.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилган мулк шакллариға мувофиқ қуйидаги турдаги бизнес фаолиятларига бўлинади:

-Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий) мулкиға асосланган бизнес фаолияти;

-жамоа мукиға асосланган жамоа, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларға қарашли, акцияли жамиятларға, масъулияти чекланган жамиятларға, ўзга хўжалиқ жамиятлари ёки ширкатларига қарашли; жамоат ташкилотларининг, диний ташкилотларининг ва жамоа мулкчилигининг бошқа шакллариға асосланган бизнес фаолияти;

-давлат мулкиға асосланган республика давлат, Қорақалпоғистон республикаси давлат корхоналари, кичик ва хусусий, вилоятлараро,

вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхоналари, кичик ва хусусий бизнес фаолиятларининг бошқа турлари;

- тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма бизнес фаолиятлари) республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган бизнес фаолияти;

- мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган бизнес фаолияти.

Мулкчилик шаклларида катъий назар, бизнес фаолияти ишловчилар сонига қараб кичик бизнес фаолиятлари жумласига киритилган, бундай бизнес фаолиятларини барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек бизнес фаолиятларини бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек рағбатлантириш йўллари “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” (1991 йил 15 февраль) ва “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги (2005 йил 21 сентябр) Фармонларда ўз аксини топди.

Мазкур қонунлар тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа бизнес субъектлари давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқийлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари эркин танлаш, бу шаклларнинг тенгҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув

таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Тадбиркорликнинг ўзи – унинг фаолиятини амалга ошириш асослари ва ривожлантиришнинг асосий қоидалари нималардан иборат?

Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

- тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;
- тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан, ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;
- тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;
- юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол-мулкини идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- қонун билан таъқиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;
- тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият

маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;

- тадбиркорнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларида қатъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

- даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъий назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан моддий жавобгарлиги.

Бизнес фаолиятини амалга ошириш учун бизнес субъекти бизнес ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Бизнес ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолиятини кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида бизнес фаолиятлари тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик, бизнес субъектларини барпо этиш ва уни рўйхатдан ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Бизнес фаолиятини барпо этишнинг умумий шарт-шароитлари:

- а) бизнес фаолияти мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, ташкилот қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳуқуқийларида кўзда тутилган тартибда барпо этилади;

- б) бизнесда ишлаб турган бизнес фаолиятлари таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун бизнес фаолияти мол-мулк эгасининг (у вакил қилган идора, бизнес фаолияти ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва бизнес фаолияти илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса тузилади;

в) бизнес фаолиятини барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани ҳокимият идораси, тегишли қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин;

г) бизнес фаолияти давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомини олади.

2. Бизнес фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби:

а) бизнес фаолияти агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, бизнес фаолияти жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Бизнес фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун 10 кун муддат ичида Молия вазирлигига хабар қилинади;

б) бизнес фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу бизнес фаолиятини барпо этиш тўғрисидаги қарор, устав ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилгандек рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади;

Бизнес фаолияти тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда давлат рўйхатидан ўтказилади;

в) бизнес фаолиятини барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра бизнес фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин.

Бизнес фаолиятлари зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда,

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни рўйхатга олишни рад этишга ёки рўйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмаслар. Агар бизнес фаолияти белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи бизнес фаолиятини рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин.

г) бизнес фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорида ҳақ олинади. Олинган маблағ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси томонидан бизнес фаолияти рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман, шаҳар, шаҳардаги туман бюджетига ўтказилади.

3. Бизнес фаолиятининг устав асосида иш олиб бориш тартиби.

Бизнес фаолияти уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

- бизнес фаолиятининг номи, унинг қаерда жойлашганлиги;
- фаолият тури ва мақсадлари;
- унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари;
- бизнес фаолияти мол-мулкани ташкил этиш ва фойдани (даромадни)

тақсимлаш тартиби;

- бизнес фаолиятини қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Уставга бизнес фаолияти фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

4. Бизнес фаолиятини бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари.

Бизнес фаолияти ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Бизнес фаолияти бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор бизнес фаолиятини бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти

ёхуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни бизнес фаолияти кенгашига (идорасига) ёки бўлмаса бизнес фаолияти уставида кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

Бизнес фаолияти раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш бизнес фаолияти мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни улар бевосита, шунингдек ўзлари вакил қилган идоралар орқали ёки бизнес фаолиятини бошқариш ҳуқуқи берилган бизнес фаолияти кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширадилар.

5. Бизнес фаолиятининг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари.

Ўз меҳнати билан бизнес фаолиятида меҳнат шартномаси (битим, келишуви), шунингдек ходимнинг бизнес фаолияти билан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа шакллар асосида қатнашувчи барча фуқаролар шу бизнес фаолиятининг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

Бизнес фаолиятлари меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли унинг умумий йиғилиши бўлиб ҳисобланади. Умумий йиғилиш: бизнес фаолияти мол-мулкани сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни, бизнес фаолияти маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани, ўз ходимлари учун қўшимча отпускарлар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

6. Жамоа шартномаси.

Жамоа шартномаси ҳамма турдаги бизнес фаолиятларда тузилиши мумкин ва у амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

Бизнес фаолиятидаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан

тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда бу келишмовчилик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари. У қуйидагилардан иборат:

- мамлакат территориясида яшовчи ва фаолият юритувчи ҳар бир фуқаро хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда бизнес фаолиятларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириши;

- бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиши, ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиши;

- тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириши, ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эгадирлар.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақли, қонунларга мувофиқ ҳеч сўзсиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

8. Тадбиркорнинг мажбуриятлари. У қуйидагилардан иборат:

- тадбиркор амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши, ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;

- ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, бизнес фаолиятининг молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;

- махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишларга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши муқаррардир.

9. Тадбиркорнинг маъсулиятлари.

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларининг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмолчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, яккахокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун, тадбиркор ўз мол-мулк доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Мулкӣ даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги зарур.

10. Молия ва кредит муносабатлари.

Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, бизнес фаолиятлари, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар бизнес фаолияти молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

Бизнес фаолияти тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа бизнес фаолиятларининг кредитларидан ҳам фойдаланади.

Тадбиркор пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун бизнес фаолияти рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа жойдаги банкда эса-шу банкнинг розилиги билан ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очиши ҳам мумкин.

Иш ҳақи тўлаш ва бюджетга тўловлар барча бизнес фаолиятлари учун биринчи галдаги тўлови бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб-китобларнинг бошқа турларини бизнес фаолияти календарь тартибига мувофиқ амалга

оширади.

Бизнес фаолияти харидор (истеъмолчилар)га қарзга олинган маблағ учун фойда тўлаш тартибида қарзга махсулот етказиб бериши, ишни бажариши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун бизнес фаолияти хўжалик оборотида векселни қўллаши мумкин. Бизнес фаолияти фоиз тўлаш шарти билан бошқа бизнес фаолиятларига кредит бериши ҳам мумкин.

Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган бизнес фаолияти банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай бизнес фаолиятларига таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

2. Бизнес жараёнлари бошқарувининг ташкилий тузилмаси ва элементлари

Бизнес фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тўғри ташкил этилган бошқарув жараёни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали даромадларни кўпайтиришни, харажатларининг оқилона сарфланишини ҳамда фойданинг ошишини таъминланиши шубҳасиз.

Фирманинг бошланғич вазифаси бошқарув стратегиясини, келажак учун бош йўналишларини, мақсадни ва унга эриши йўллари танлашдир. Ҳақиқий рақобат, кучли касаба уюшмалари, истеъмолчиларнинг жамоатчилик ташкилотлари давлатнинг монополияга қарши сиёсатидан ҳукмронлиги шароитида бундай стратегияни амалга ошириш осон бўлмайди. Юқори фойда даражасига товар сотиш ҳажмини ошириш, айланма воситалар айлантиришнинг тезлаштириш, ҳамкорлик шароитларига риоя этиш, янги бозорлар ва янги технологияларни эгаллаш

орқали эришилди. Жамоа бўлиб тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчилар учун нафақат фойданинг кўпайиши ва фойда даражасининг юксалиши, балки ялпи даромаднинг ошиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа фондлар унга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш ва савдони бошқариш мақсадига минимал харажат сарфлаб шартнома асосида келишилган муддатга товарлар ишлаб чиқариш ёки товарлар моҳиятини етказиб бериш, ҳамда хизмат кўрсатишдан кўпроқ фойда орттириш киради. Менежер учун қийинчилик туғдирувчи масалаларнинг энг асосийларига қуйидагилар киради:

- ❖ компьютер ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиб бориш учун қўл келадиган кўрсаткичларнинг энг зарурлигини танлаш;
- ❖ фирма бошқарувининг энг самарали тартибини юзага келтириш;
- ❖ маҳсулот сифатини бошқариш;
- ❖ кадрларни бошқариш;
- ❖ ишлаб чиқариш воситаларини янгилаб туриш ва хом-ашё билан ишлаб чиқаришни бетўхтов таъминлашни ташкил этиш, ҳамда захираларни бошқариш.

Тижорат менежменти – фирманинг тижорат фаолиятини бошқариш тизими бўлиб, харидорлар талабини таҳлил этиш ва ўрганишни, ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш, ҳамда сервис хизматини кўрсатиш режаларини талабга қараб мослаштиришни ўз ичига олади. Маркетолог - менежерларнинг мақсади харидорларга аввал ишлаб чиқарилган товарларни қандай бўлсада сотиш эмас балки уларнинг талабига қараб товарни ишлаб чиқариш ва таклиф этишга эришиш бўлсагина, улар рақобатбардош бўла олади.

Товарнинг қандай ҳаётий босқичда эканлигини ҳисобга олиш зарур, чунки янги товарнинг бозорга кириб келишида унинг рентабелли ёки рентабелсиз товарга айланиши даврини аниқлаш мумкин. Товарнинг андозасини яратишдан тортиб уни ишлаб чиқариш, сотиш ва сотувдан

кейин хизмат кўрсатишгача бўлган мураккаб бошқарув ишлари маркетинглар иши бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ бозорни урганиш, харидорлар талабини, даромадларини, баҳолар даражасини келажак учун аниқлаш;
- ❖ лойиҳаловчиларга баҳолар лимитини ва техник вазифаларини бўлиб товар андозасини яратиш бўйича буюртма бериш;
- ❖ реклама, турини кургазмалар ташкил этиш буюртмачиларга маълумотлар жунатиш орқали бозор учун янги маҳсулотни шакллантириш;
- ❖ шартномалар тизими, ишлаб чиқаришни бошлаш ва моҳиятни янада такомиллаштириш чораларини кўриш;
- ❖ товар сотилишини ташкил этиш;
- ❖ истеъмолчиларга қўшимча хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳамда уларни фойдаси бўйича маслаҳат бериш ва бошқалар.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши деганда, бошқарув бўғинлари ва бошқарув босқичлари миқдори ва таркиби тушунилади. Бошқарув ташкилий тузилишининг оддий ва тушунарли бўлиши унинг иш қобилияти юқори бўлишини кафолатлайди, яъни бошқарув ташкилий тузилмасида босқич ва бўғинлар қанчалик кам бўлса, бошқарув шунчалик самарали бўлади.

Бошқарув бўғинлари - бу битта ва бир қанча вазифаларни бажарувчи мустақил таркибий унсурлардир. Тузилма элементлари, уларнинг бўлинмалари ва бошқарув аппаратида ишловчилардир.

Бошқарув босқичлари - бу бошқаришнинг бирор даражасидаги маълум бўғинлар йиғиндисидир. Шу белгисига кўра бошқарувнинг ташкилий тузилмалари кўп босқичли (кўп бўғинли), уч, икки босқичли (бўғинли) бўлиши мумкин. Босқичлар ва бўғинлар ўртасидаги халқа вертикал ёки горизонтал бўлиши ҳам мумкин.

Вертикал бўғинлар - раҳбарларнинг уларга бўйсунувчилар ўртасидаги

муносабатларни ўрганишга қаратилган бўлади.

Горизонтал алоқалар бошқарувнинг тенг ҳуқуқли бўғин ва унсурлари ўртасидаги муносабатларни билдиради.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари жуда турли-туман, лекин улар умумий изчил боғлиқликка эга ва қонуниятларга бўйсунди. Бошқарувнинг ташкилий тузилмасининг асосий тури чизиқли ва функционал турлардир. Уларнинг бирикиши асосида турли туман чизиқли-функционал тузилмалар таркиб топади ва улар қуйидагилардан иборатдир:

- ❖ Чизиқли;
- ❖ Функционал;
- ❖ Чизиқли- штабли;
- ❖ Чизиқли- функционал бошқарув тузилмаларига бўлинади.

Чизиқли бошқарув тузилмаси бошқарув жараёнларининг энг оддий шакли бўлиб, у бозор иқтисодиёти шароитида энг қулай ва содда варианты ҳисобланади. Чунки, ҳар бир ходимга битта раҳбар тўғри келади ва бошқариш самарадорлиги жуда катта ҳисобланади.

Функционал бошқарув тузилмаси бошқарув жараёнларини мураккаблашувига ва бошқаришнинг ихтисослашувининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Функционал тузилмада бошқарувчи кўрсатмалари нисбатан малакали бўлади, лекин якка бошқариш тамойилларига риоя қилинмайди.

Чизиқли-штабли бошқарув тузилмасида чизиқли тузилма асос қилиб олинади, лекин бошқарувнинг қуйи бўғинига эга ҳар бир бўғинда айрим муҳим муаммолар бўйича штаблар тузилади. Штаблар малакали қарорлар тайёрлайдилар ва раҳбар томонидан тасдиқлаб унинг ижроси қуйи даражага юборилади.

Чизиқли-функционал бошқарув тузилмасида бошқарув чизиқли ва функционал бошқаруви шакллари бирга қўшиш натижасида олиб борилади. Бунда раҳбар ва унинг кўплаб муовинлар ва ўринбосарлари бўлиб, улар орасида бошқарув тақсимланган бўлади. Ушбу бошқарув

тузилмаси бошқа бошқарув тузилмалари ичида энг мураккаби деб ҳисобланади.

Қисқа қилиб айтганда, бизнес фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш бизнеснинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тўғри ташкил этилган бошқарув жараёни имкониятлардан самарали фойдаланиш даромадларнинг кўпайишини, харажатларнинг оқилона сарфланишини ҳамда фойданинг ошишини таъминлаши шубҳасиздир.

Бизнеснинг муҳим томони унинг фаолиятини бошқариб боришдир. Бизнесни бошқариш моҳият эътибори билан олганда мақсадга эришиш йўлида қилинадиган хатти-ҳаракатларни жонлантириш учун бир шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан бошқа шахсга таъсир ўтказишдан иборат.

3. Бизнес фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш

Корхоналар фаолиятида бизнес жараёнларини такомиллаштириш бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч устунларидан бири сифатида қаралмоқда. Шундай экан уларни бошқариш механизмининг ҳам мукамал бўлиши иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири саналади.

Давлат, энг аввало, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Корхоналарда бизнес жараёнларининг шаклланиши ва ривож топишидаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни эътироф қилишимиз мумкин:

- корхоналарда бизнес жараёнларини ташкил қилишнинг ташкилий ҳуқуқий механизмга оид билимларнинг етарли эмаслиги;
- бизнес жараёнларини ташкил қилиш учун инновацияларнинг етишмаслиги;
- бизнес жараёнларини бошлаш учун бошланғич капитални шакллантириш муаммоси ва бошқалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, соҳани ривожлантириш учун яратилган шароит ва

кулайликлар, берилган имтиёз ва преференциялар республикамизда ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши, иқтисодиётнинг барқарор юксалиши, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳоли даромадлари ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда иш билан банд аҳолининг 74,8 фоизи шу соҳада меҳнат қилаётгани, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011 йил якуни бўйича 54 фоизни ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Кичик бизнес субъектлари томонидан нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга устуворлик қаратилаётгани эса уларнинг жами экспортдаги ҳиссаси йилдан-йилга ортиб боришига таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, ўтган йили мазкур кўрсаткич 18,8 фоизга етиб, қиймати 2,8 млрд. АҚШ долларида зиёд маҳсулот хорижга чиқарилди.

Бу даражадаги юқори кўрсаткичларга, авваламбор, кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш юритаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг самарали меҳнати натижасида эришилаётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу билан бирга, шубҳасиз, кичик бизнесни ривожлантиришда соҳани зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу соҳа субъектларини кредитлаш ҳажмини кескин ошириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш масалалари мамлакатимиз банк тизимининг диққат-эътиборида турибди. Натижада сўнгги 10 йил давомида уларни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ҳажми 15 баробарга ўсиб, кўплаб замонавий банк хизмати турлари жорий қилинди.

Албатта, тадбиркорлик фаолияти равнақи учун янада қулай бизнес муҳити яратилиши, ажратилаётган кредитлар, биринчи галда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилаётган узоқ муддатли сармоялар ҳажми ошиб, кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада яхшиланиши — ҳамма-

ҳаммаси банк тизимида комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, шу асосда кўплаб йўналишлар бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигининг самарасидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ҳамда инновацион лойиҳаларни, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга катта эътибор берилмоқда.

Шунингдек, мазкур қарорга асосан, тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январигача юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан озод этилгани бундай маблағлар ҳажмининг ўсиб боришини таъминламоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг республикамізда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари ортишини таъминлаш мақсадида 2011 йил 24 августда қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға кўра, ушбу субъектларнинг миллий валютадаги ҳисоб рақамлари тижорат банклари томонидан тўлов ундирилмасдан очилмоқда, уларнинг кредит олиш бўйича аризалари эса, уч банк иш куни давомида кўриб чиқилмоқда.

Айни чоғда Адлия вазирлигида 2012 йил 20 мартда 2344-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом”нинг тасдиқлангани аҳолига соддалаштирилган тартиб асосида мевали дарахтлар ва узум кўчатлари, уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш учун микрокредитлар олиш имконини кенгайтирмоқда.

Умуман, бугунги кунда юртимизда яхши бизнес ғоя ва етарли гаров таъминотига эга бўлган кичик бизнес субъектлари исталган банкдан зарур миқдордаги маблағни олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

2011 йил мобайнида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ўсиб, 4 триллион 41 миллиард сўмдан ошди. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткич қарийб 5 триллион сўмга етиши кутилмоқда.

2012 йилнинг ўтган 6 ойи давомида амалга оширилган ишлар натижасида соҳага йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,4 баробар ўсиб, 2 триллион 829 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 558,4 миллиард сўмини микрокредитлар ташкил қилиб, бу кўрсаткич ҳам 1,4 баробар ўсишига эришилди.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 22,6 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2011 йилнинг 6 ойидагига нисбатан 1,8 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар миқдорининг ўтган йилнинг 6 ойига нисбатан 1,5 баробарга ортиб, 238,4

миллиард сўмни ташкил этгани ҳам эътиборга лойиқ. Шу билан бирга, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2,5 баробар ўсиб, 41,4 миллиард сўмдан ошган бўлса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 290,8 миллиард сўм миқдорида ёки 2011 йилнинг 6 ойидагига нисбатан қарийб 1,8 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 72,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилиб, бу борадаги прогноз 179,2 фоизга бажарилганлиги диққатга сазовордир.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хўжалик юритиш тизимини яратишнинг бозор механизмларига асосланиб, республиканинг жорий ва истиқболли ривожланиш босқичларидаги ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш воситаси ҳамдир. Шунинг учун мамлакатнинг умумий ва босқичли ижтимоий-иқтисодий мақсадлари тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадлари билан ҳамоҳангдир. Иқтисодий ислохотларнинг ҳақиқий мақсади иқтисодий ўсишга эришиш, аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминловчи самарали иқтисодиётни яратиш, ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида реал иштирок этишидир.

Шу билан бирга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мустақил мақсадларга ҳам эга бўлиб, бу мақсадлар унинг объектлари хусусиятларидан келиб чиқади. Улардан асосийлари қуйидагилар:

- ❖ ҳалол рақобат амалиётини кенг қарор топшириш;
- ❖ мулкдорлар ва тадбиркорларнинг кенг ижтимоий қатламини шакллантириш;
- ❖ фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида ўз-ўзини тўла намоён қилишини таъминлаш;

- ❖ республика, минтақавий ва маҳаллий даражаларда тадбиркорликнинг самарали ривожланишини таъминловчи етук инфратузилмани шакллантириш;
- ❖ тадбиркорликни ва устувор фаолият турларини ривожлантиришга қаратилган истиқболли йўналишларни рағбатлантириш;
- ❖ инвестиция ресурсларини жамўариш ва уларни устувор йўналишларда қўллашга кўмаклашиш;
- ❖ энг муҳим иқтисодий дастурлар ва лойиҳиларни амалга ошириш, шунингдек, маҳсулотни етказиш ва давлат эҳтиёжларини қондириш бўйича вазифаларни бажаришда кичик корхоналарнинг иштирокини таъминлаш;
- ❖ кичик корхоналар ишлаб чиқариш фондларини модернизациялаш, илғор технологиялар ва янги техникани жорий этиш;
- ❖ тадбиркорликка боўлиқ юқори тижорат ва молиявий таваккалчиликнинг таъсирини камайтириш йўли билан кичик тадбиркорликнинг рақобат шароитида барқарор фаолият юритишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати билан эришилаётган ижобий натижалардан бири бу мамлакатимизда бизнес фаолиятини шакллантиришдан иборатдир. Мамлакатни ривожлантириш асосан бизнес фаолияти ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш натижасида амалга оширилади.

Давлатни бизнес фаолияти ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши асосан молиявий, маъмурий ва ҳуқуқий нуқтадан назардан амалга оширилиб келинмоқда.

Бизнес ва хусусий тадбиркор ишбилармоннинг ташкилий тузилмаси сифатида ишлаб чиқаришни вужудга келтиради. Бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар юридик шахс мақомига эга булгач, мустақил хўжалик

субъект бўлиб, ўз низомига мувофиқ муайян ижтимоий иқтисодий самарадор ва фойда олиш мақсадида асосий айланма маблағларидан фойдаланиб фаолият юритади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятнинг тамойиллари хилма-хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат :

1. Бизнес фаолияти-амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Ўз ихтиёри билан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай қарорни мустақил қабул қилади, фаолиятни мустақил режалаштиради, соф фойдасини ишлатиш йўналишларини мустақил белгилайди.

2. Мулк эгаси ёки меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар турли мулк шакллари: хусусий, хиссадорлик, жамоа, давлат, қўшма бизнес фаолияти мулк асосида юзага келтирилиши мумкин. Уларнинг барчасининг тенг иқтисодий ҳуқуқий шарт-шароитларидан фойдаланилади.

3. Бизнес фаолияти билан шуғулланувчи ишбилармонлар ўз мустақиллиги ва ҳуқуқларини сақлаган ҳолда ихтиёрий равишда бошқа тадбиркор ва бизнесмен билан муайян мақсадга мувофиқ бирлашиши мумкин.

4. Бизнес фаолиятини бошқариш унинг низомига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

5. Бизнес фаолиятини қайта ташкил этиш, бирлаштириш, янгилаш, фаолиятни тухтатиб ёпиш уларнинг таъсисчилари томонидан шундай ваколат берилган, низомида қайд этилган махсус орган ёки хўжалик суди қарори асосида амалга оширилади.

Бозор муносабатларининг бошлангич бугини сифатида бизнес фаолиятининг узига хос хусусиятлари бор, улардан айримларига тухталиб утамм:

1- хусусият. Бизнес фаолияти мустақил бўлиб, ушбу мустақиллик :

а) ишлаб чиқариш ва махсулот сотишнинг рақобат қобил ҳажминини

аниқлаш ҳамда товар ассортиментининг таркибини бозордаги талабга ва таклифга қараб мустақил белгилашда;

б) шартномалар тузиш товар ва хом-аше етказиб берувчиларни, харидорларни, воситачиларни мустақил танлашда;

в) амалдаги қонунчилик доирасида баҳоларни мустақил белгилашда;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тулангач, қолган фойдани мустақил тақсимлаш, даромадларни ва харажатларни мустақил режалаштиришда;

д) ишчи-хизматчиларни мустақил танлаш ва жой-жойига қуйишда;

е) ўзоқ муддатли маблағлар манбаини қийдириш ва маблағларни сарфлаш йўналишларни топиш каби соҳаларда ўз ифодасини топади

2-хусусият. Мулк ва ишлаб чиқариш воситаларига ҳуқуқронлик, эгалик хусусияти. Бу ўч нарсада намоён бўлади.

1-дан, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарган маҳсулоти, даромадига мулкдор бўлиб улардан ўз хоҳишича фойдаланади.

2-дан, тула хўжалик ҳисоби асосида юридик шахс ҳуқуқлари ва бурчлари миқёсида фаолият юритади.

3-дан, давлат бизнес фаолиятлари мулк эмас, мулкӣ воситалар, ресурсларни оператив бошқариб бориш орқали хўжалик фаолиятини амалга оширади. Улар хусусий бизнес фаолиятлардан фарқли улардан, мулкни сотиш, қарз ўрнига тўлаш, бошқа мулк билан қўшиш каби мулкӣ аҳамиятга лойик ишларни ташкилотлар руҳсатсиз амалга ошира олмайди.

3-хусусият. Бизнес фаолиятини давлат томонидан ў ёки бу йўналиш сари йўналтирилиши. Уларнинг асосий қуролларига:

- солиқлар ва уларнинг табақаланиши;
- табиӣ ресурслардан фойдаланиш ўчун тўланадиган ҳақ;
- харажатлар (масалан, амортизация) ва табиӣ камайиш меъёрлари;
- валюта курси;
- божхона тўловлари;

- экологик меъёр ва атроф мухитга ташланган чиқит учун тўланган ҳақ;
- ижтимоий ҳақ;
- монополияга қарши кураш тартиби;
- давлат стандартлари ва техник шартлар каби воситалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўрсатилишича: хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш мақсадида уларни ҳар томонлама иқтисодий-ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлашда кенг шароитлар яратмоқда. Ҳозирги кунда келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш мақсадида уларни сон ва сифат жиҳатидан ҳам рағбатлантириб келинмоқда.

ХУЛОСА

Бизнес фаолиятини ривожлантиришдаги шароитларни яратиш ҳукумат маъсулиятидаги иш ҳисобланади. Унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар қаторига давлатнинг иқтисодий сиёсати, аҳолининг ижтимоий ахлоқи, рақобатнинг шаклланиш даражаси, тадбиркорликнинг рақобатлантирилиши ва бошқаларни киритиш мумкин.

Корхоналарда бизнес жараёнларини бошқариш механизмини такомиллаштиришга бағишланган битирув малакавий ишимиз мавзусини ёритиш мобайнида ҳам бир қатор хулосаларни шакллантиришга эришдик:

Биринчидан, бизнес фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шартлардан биридир. Тўғри ташкил этилган бошқарув жараёни мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали даромадларни кўпайтиришни, харажатларининг оқилона сарфланишини ҳамда фойданинг ошишини таъминланиши шубҳасиз.

Иккинчидан, ҳар қандай бизнес фаолияти ўзини катта кичиклигига, фаолият йўналишига фойдали ёки зарар кўрувчи эканлигидан қатъий назар бозор муҳити билан ўзаро ҳаракат қилувчи мураккаб тизимдир. Бизнес фаолиятини биргина кўрсаткич билан, яъни масалан фойда кўрсаткичи билан ифодалаш мумкин эмас. У кўрсаткичлар тизимига асосланади.

Учинчидан, ялпи даромад бизнес фаолиятининг товар сотиш ҳажмига, сотилган товарларнинг таркиби ва уларда рентабелли товарнинг салмоғига, ҳамкорларнинг шартнома шартларини тўлиқ бажаришига, бизнес фаолиятини маданияти ва ишбилармонлигига ҳамда кўплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Тўртинчидан, харажат ва натижаларига нисбатан бизнес фаолиятини самарали ишини кўриб чиқиб, харажатларни баҳолаш ва иккинчидан ташқи муҳитида бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур.

Бешинчидан, режалаштириш деганда бизнес фаолиятини аниқ келажакдаги мақсадини аниқлаш, уларни амалга ошириш усуллари

таҳлили ва ресурслар билан таъминоти тушунилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 32 б.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Рақобат тўғрисида”Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 1-сон, 5-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” “Халқ сўзи” газетаси, 03.05.2012 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.11.2007
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 24.11.2011 ПФ-4354
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2005 й. ПФ 3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори 19.07 2009 й ПКҚ-1134
- 9.Ўзбекистон Республикаси Призидентининг “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши ва уни лойиҳалашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 8.09.2010 й ПКҚ-1403
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисидаги” Қарори. 29.12.2011й. ПҚ-1455

- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт ва импорт операцияларини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 15.06.2005 й. №ПҚ-100.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 14.06.2005 й. № ПҚ-3618.
14. И.А.Каримов Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир– Тошкент, 2008. – 23 б.
15. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009.
16. Каримов И. А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Т.: «Ўзбекистон» 2010 й
17. И.А.Каримов “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” Т.: «Ўзбекистон» 2011 й
18. И.А.Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т. «Ўзбекистон» 2012 й
19. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш./ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари

ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 19-январь 2013 й.

19. Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси. Турмуш даражасини баҳолаш» (Жаҳон банки) ва «Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсат ва қашшоқлик» (БМТ тараққиёт дастури, ИТМ)Т, 2007

IV. Интернет сайтлари.

- 4.1. www.xs.uz (“Халқ сўзи” газетасининг расмий сайти)
- 4.2. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти)
- 4.3. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари тўплами сайти)
- 4.4. www.wikipedia.org (Халқаро электрон энциклопедия нашри сайти)
- 4.5. www.finance.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти)
- 4.6. www.tfi.uz (Тошкент молия институти расмий сайти)